Ушбу сонда:
2 ХУСУСИЙ СЕКТОР УЛУШИ
3 ОҚДАРЁ ЧЕККАСИДАГИ СЎЛИМ ГЎША
4 Болалар спорти ҲАММАСИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 8 июн, чоршанба № 90 (1931)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## САВДО-САНОАТ ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ



***Пойтахтимиздаги «Ўзкўргазмасавдо» кўргазма мажмуида шаҳар савдо-саноат ярмаркаси очилди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимлиги Республика савдо-саноат палатасининг шаҳар бўлими ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда ташкил этди.***

Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев ярмаркани очар экан, жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган тамойиллар асосида изчил амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада тадбиркорлик, ишбилармонлик ва хусусий сектор ривожига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бугун Тошкент шаҳри республика иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллайди. Шаҳарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат МДҲ республикалари, балки кўплаб ривожланган давлатларда ҳам яхши маълумдир. Шу билан бирга азим пойтахтимизнинг салоҳияти ва мавжуд имкониятларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланилаётир, деб бўлмайди.

Уч кун давом этадиган ярмаркада мебель, қурилиш, пойафзал, кимё, полиграфия, озиқ-овқат, енгил саноат, тиббиёт, минитехнология ва бошқа халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи қарийб 140 компания ва корхона ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Ярмарка доирасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, солиқ ва божхона қонунчилиги, кичик хусусий бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолияти, кредитлаш тизими каби мавзуларда семинарлар ўтказилади. Янги ташкил этилган айрим компанияларнинг тақдимоти бўлади.

**(ЎзА)**

*Тармоқ касаба уюшма ташкилотларида*

## МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛАРГА АВТОМАШИНА

***Касби Қашқадарё вилоятининг иқтисодиёти тараққий этиб бораётган туманларидан. Иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётганлиги аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш фаровонлигини яхшилаш имконини бермоқда. Бултур 70614 тонна пахта, 34496 тонна дон етиштирган туманимиз меҳнаткашлари жорий йилда ҳам дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар. Тайёрлов масканларига 160 тоннадан ортиқ пилла етказиб берилиб, шартнома режаси ошириб бажарилди.***

Фидойи деҳқон рўзғорига барака кирди. Биргина пахтачиликдан 19 миллиард 754 миллион сўм даромад олинган бўлса, унинг 7 миллиард 157 миллион сўми соф фойдани ташкил этади. Бу маблағ қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш спорт иншоотлари, қуриш, касалхона, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини яхшилаш, табиий газ ва ичимлик суви келтириш, ширкатлар аъзоларига дивиденд тўлаш каби ишларга сарфланади.

Иш берувчилар билан тузилган жамоа шартномалари кишиларнинг иқтисодий-ижтимоий манфаатларини ҳимоялаш, қонуний ҳуқуқларини муҳофазалашда муҳим ўрин тутади. Ана шунга мувофиқ меҳнатда ўрнак кўрсатганлар енгил автомашина, мотоцикл, видеоиккилик, телевизор, музлатгич, гилам каби қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланяпти.

Тармоқ касаба уюшма тизимида 31 та бошланғич ташкилот бўлиб, 21904 нафар аъзони бирлаштирган. Барча ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларига меҳнат ва ижтимоий масалаларни ўз ичига олган 2157 та ҳар хил мажбуриятлар киритилган. Йил давомида уларнинг 1930 таси бажарилди. Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича қатор ўзгартиришлар киритилди.

Хўжалик, корхона ва ташкилотларда меҳнат муносабатларини шакллантириш, мулкчилик турлари кўпайган бир шароитда ижтимоий-иқтисодий масалаларни оқилона ҳал этиш диққат марказимизда турибди. Шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг масъуллиги оширилди ва ижро назорати кучайтирилди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилардан 2100 нафарига хўжалик ва ташкилотлар томонидан 5 миллион 600 минг сўмлик, касаба уюшмалари ҳисобидан 36 кишига 200 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ёлғиз кексалар, меҳнат ва уруш фахрийларига ҳомийлар ҳиммати билан 960 минг сўмлик совғалар тарқатилди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида санаторийларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Тумандаги «Майманоқ» санаторий-профилакторийсида 23 нафар меҳнат фахрийлари ва ногиронлар бепул дам соғломлаштирилди. Туманда «Саховат» ва Ф.Мусин номли оромгоҳлар ташкил этилиб, меҳнаткашларнинг 591 нафар фарзанди текин дам олдирилди. Бунинг учун хўжаликлар ҳисобидан 10 миллион 674 минг, касаба уюшмалари томонидан 7 миллион 116 минг сўм маблағ ажратилди.

«Қашқадарё», Шароф Рашидов номли хўжаликларда 5000 ўринли ўйингоҳ, Алишер Навоий номли ширкатда замонавий болалар спорт мажмуаси бунёд этилди. Касби ва Жейнов қишлоқларидаги касб-ҳунар коллежлари қайта таъмирдан чиқарилди. Майманоқ қишлоғида янги коллеж қурилиб, фойдаланишга топширилди. Майманоқ, Байдоқчи, Мустақилобод ва Касби қишлоқларида ҳар томонлама қулайликка эга бўлган янги врачлик пунктлари ишга тушди.

Маданий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига эътибор кучайтирилган. Касаба уюшма маблағларидан 2 миллион 566 минг сўм маданий-маиший ишларга, 1 миллион 850 минг сўм спорт жиҳозлари сотиб олишга ажратилди. Ёшлар, хотин-қизлар ўртасида спартакиадалар ўтказиш одат тусига кирган. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги доимий эътиборда. Жамоа шартномалари бўйича бундай мақсадлар учун 18 миллион сўм маблағ сарфланиб, иш жойларининг санитария ҳолати яхшиланди, зарарли шароитларда ишлаётганлар сут ва сут маҳсулотлари, иссиқ овқат билан таъминланган.

10 та бошланғич ташкилотнинг иш тажрибалари оммалаштирилди. Навоий, Ш.Рашидов номли ширкат хўжаликларидаги касаба уюшма ташкилотлари ўз аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга жиддий аҳамият қаратган. Мулк шакли ўзгарган 6 та ширкат ҳудудида 1172 та фермер хўжалиги тузилган. Уларда бирлашган касаба уюшмалари ташкил этилди. Эндиликда деҳқон-фермер хўжаликларида юзага келган муаммолар ҳам ҳамкорликда ҳал этиляпти.

**Ботир ИСЛОМОВ,**
**Касби туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси**



*Экспорт – мамлакат таянчи*

## ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ



***Ҳозир пойтахтимиздаги қай бир хўжалик моллари дўконига кирманг, «Тошкент лок-бўёқ заводи» тамғаси туширилган маҳсулотларга кўзингиз тушади. Ушбу лок-бўёқларнинг замонавий дизайнини кўриб, тўғриси ҳам фахрланасан, ҳам ҳайратланасан киши: наҳотки, ушбу маҳсулотлар ўзимизнинг маҳаллий корхоналаримизда тайёрланмоқда?***

Ҳа, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида жойлашган «Тошкент лок-бўёқ заводи» Ўзбекистон-Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси акциядорлик жамиятида айни дамларда хорижникидан асло қолишмайдиган маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Шу ўринда бир гап. Ўзининг илк фаолиятини 1947 йилда Тошкент гугурт фабрикаси ўрнида бошлаган бу корхона муайян даражада шаклланиб, мустақиллик йилларида катта ўзгаришлар томон юз тутди. Замонавий технологик ускуналар ўрнатилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифати ошди.

2004 йилда 10 миллиард 565 миллион сўмлик лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бунинг 1 миллион 113 минг АҚШ долларидан зиёдроқ қисми Россия, Афғонистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон каби мамлакатларга экспорт қилинди. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида ҳам бу ерда 7405 тонна миқдорида маҳсулот тайёрланиб, 4 миллиард 732 миллион сўмлик лок-бўёқлар ишлаб чиқарилди. Тайёр маҳсулотнинг 542 минг АҚШ долларига тенг қисми хорижга жўнатилди.

Технологик жараёнларни ривожлантириш мақсадида бу йил Германиянинг «Тинчс» компаниясидан дастгоҳ ва ускуналар сотиб олинди. Корхонада бу янгиликни жорий қилиш ҳисобига маҳсулот ҳажми ва сифати янада ошди.

**Суратларда: ишчи Муҳаббат Тўлаганова; ишчи Ниғматилла Қорабоев.**

**Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар**

*Далаларни яёв кезганда*

***«Қўқимбой» ширкат хўжалиги олдинлари Косонсой туманидагина эмас, балки Наманган вилоятидаги таниқли меҳнат жамоаларидан бири эди. Лекин кейинги йилларда иш орқага кетди. Пахтачилик ва бошқа тармоқларда йиллик топшириқларни бажармаслик, бошқачасига айтганда, қолоқлик одатий ҳолга айланиб қолди. Масалан, ўтган йилда пахта тайёрлаш топшириғи 85 фоизга борди, холос. Хўш, бунинг сабаби нимада? Ана шу саволга жавоб топиш учун хўжалик далаларини айландик.***

## ЯХШИ ИШЛАШ УЧУН ЯХШИ ШАРОИТ ЗАРУР

Мана, Икромжон Эгамбердиев бошчилик қилаётган 13-бригада даласидамиз. Шийпон атрофини ўт босган. Вилоятнинг кўп жойларида жорий этилган иссиқ овқат учун мўлжалланган «бригада томорқаси»ни бу ерда учратмайсиз. Ичимлик суви келтирилмаган. Шийпон биносини «Қўқимбой» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг ёрдамга чиққан ва шу ерда ётиб ишлаётган ўқувчиларига тегишли кўрпа-ёстиқлар банд этган.

Ҳашарчилар ва далада ишлаётган хўжалик аъзолари билан суҳбатлашиб, аҳвол чиндан-да қониқарсиз эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Тушлик овқат ҳашарчи ўқувчиларгагина тайёрланяпти. Унда ҳам гўшт анқонинг уруғи. Йўқни йўндириб бўлмайди-ки, ўзимиз имконият қидириб топяпмиз, - дейди коллеж ўқитувчиси Абдурауф Болтабоев. – Берилаётган ноннинг маълум қисмини дўконга топшириб, унинг пулига гўшт сотиб оляпмиз.

Домла айтганидек, ҳар икки кунда шу йўл билан олинадиган бир кило гўштни салкам 50 нафар ўқувчига тақсимлаб чиқсангиз, неча граммдан тўғри келишини тасаввур этиб кўра беринг!

– Нима ҳам қилардик, - маҳзун жилмаяди А.Болтабоев. – Бошқа илож йўқ, лоақал овқатдан гўштнинг ҳиди келиб туради-ку!

Қарангки, ўқувчилар шундай шароитда 7 майда ҳашарга чиқишган бўйи ишлашяпти.

10-бригада раҳбари, тажрибали деҳқон Ҳабибулло Обидовни тумандагина эмас, вилоятда ҳам кўплар танийди. Шундай одам ишлаётган жойда дала шийпони ҳам намунали ҳордиқ масканларидан бўлса керак, деб ўйлагандик.

Ишонасизми, ёнимдаги шеригим айтмаса, маҳаллага қўшилиб кетган ушбу кўримсиз жойни дала шийпони эканлигига сира ҳам ишонмасдим.

– Шийпонга етиб келдик, машинадан туша беринг, - деди хўжалик идорасидан менга ҳам хўжалик вакили, ҳам йўлбошловчи сифатида бириктилган Ҳошимжон Исоқов кулимсираб.

Анча йиллардан бери таъмирланмаганлиги кўриниб турган, шийпонни эслатувчи бирон белги сезилмайдиган бу иморат ҳам тўла-тўкис ҳашарчи ўқувчилар ётоқхонасига айлантирилган. Бизни ажаблантирган яна бир жиҳати шунда бўлдики, ҳалигача иморат саҳнига асфалт ётқизилмаган. Чамаси, ошхона учун мўлжалланган бўлса керак, бино ҳовлисидаги қўл учида тикланган хона бугунга кунда ҳашарчи коллеж ўқитувчилари истиқомат қилаётган жойга айлантирилибди.

Бригадир коллеж жамоаси яқинда бўлиб ўтган ёмғир ва сел оқибатларини бартараф этишда фаол кўмаклашаётганликларини айтди. Қанийди, хўжалик раҳбарлари ҳам буни чуқурроқ ҳис этиб ўқувчиларнинг, умуман, бригада аъзоларининг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шароит яратиб бериш юзасидан жиддийроқ бош қотиришса!

Маъсудахон Шарипова бошлиқ бригададаги ҳолат ҳам юқоридагилардан фарқ қилмайди. Овқат тайёрлаш учун алоҳида ошхона йўқ. Ичимлик суви тармоғи келтирилмаган. Гарчи масаллиқ етарли, жумладан, овқатга гўшт солинади, дейишса-да, уни кўрсата олишмади. Телевизор ва радио ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Файзулло Розиқов раҳбарлигидаги бригадада эса умуман шийпон кўринмади. Уни қайта қуриш учун бузишган экан, янгисини тиклаш ишлари негадир пайсалга солиняпти.

Бизга Баҳодир Обидов, Абдумутал Йўлдошев, Орифжон Эргашев, Бойдада Долиевлар бош бўлган бригадаларнинг дала шийпонлари замонавий типда қурилганлигини, шарт-шароит етарли эканлигини айтишди ва биз ҳам бу гапга ишонгимиз келди. Зеро, қаердаки, меҳнат унумли бўлишини ўйлаган раҳбар биринчи галда ишловчи учун етарли шароит яратиб берилишини таъминлайди ва шундан кейингина унинг самарасини кутади. Афсуски, юқорида таъкидланганидек, хўжалик далаларида биз танишган ва мақоламизда қайд этилган ҳолат кишини асло қониқтирмайди. Дала меҳнаткашларининг унумли ишлашлари, дам олиш соатларини кўнгилли ўтказишлари, мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароит яратилган жойдагина иш олдинга силжийди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Долзарб мавзу*

## СУҒУРТА
### унинг фойдаси нимада

***Кейинги йилларда республикамиздаги суғурта компанияларининг молиявий имкониятлари кенгайиб бормоқда. Масалан, «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компаниясининг устав фонди қарийб 1,5 бараварга ошди. Бу эса суғурталанувчиларга турли ҳодисалар оқибатида етказилган зарарни қоплаш имконияти яхшиланаётганини билдиради. Лекин ҳанузгача суғурта фаолиятининг аҳамиятини кўпчилик тўлиқ англаб етмаяпти. «Кафолат» ДАСКнинг Самарқанд вилоят филиали директори М.Худоёров билан суҳбатимизда суғурта фаолиятига доир муҳим масалалар хусусида сўз борди.***

**– Суғурталанишнинг инсон ҳаётидаги, ишлаб чиқаришдаги аҳамияти, жамиятдаги ўрни нималардан иборат?**

– Аввало шуни айтиш кераккки, ҳеч қачон, ҳеч ким бахтсиз ҳодисаларга, фалокатларга дучор бўлмасин. Шунга қарамай, ҳаётда, ишлаб чиқаришда, фаолиятнинг бошқа турларида бахтсиз ҳодисалар, офатлар рўй бериб турадики, бундан корхоналарга, одамлар соғлиғига, ҳаётига жиддий зарар етади. Бунинг оқибатларини тугатиш катта сарф-харажатларни талаб қилади. Натижада корхона даромадига ёки оила бюджетига путур етади. Агар жабр кўрган шахс суғурта полисига эга бўлса, зарар компания ҳисобидан тўланади. Суғурта хизматининг аҳамияти мана шу жараёнда яққол кўринади. Ривожланган давлатларда корхоналар, тадбиркорлар суғурта полисига эга бўлмаса, бошқалар улар билан ҳамкорликда ишламайдилар. Чунки ўзини ҳурмат қилган, уддабурон, тежамкор тадбиркор, аввало ўз фаолиятдаги ҳамда шерикчиликдаги таваккалчилик оқибатларидан етиши мумкин бўлган зарардан эҳтиёт чораларини кўриб қўяди. Бундан ташқари, суғурталанувчилар томонидан тўланадиган бадаллар фақат банк муассасаларида инвестиция тариқасида жамланиб, мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

**– Суғуртанинг шакллари ва турлари ҳақида соддароқ тушунча берсангиз.**

–Амалдаги қонунларга мувофиқ мамлакатимизда суғуртанинг икки хил тартиби – мажбурий ва ихтиёрий суғурта белгилаб қўйилган. Мажбурий суғурта Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан у ёки бу фаолиятни бошлашдан олдин мажбурий тарзда амалга оширилади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги қарорида «қурилиш пудрати шартномалари бўйича маблағ билан таъминлаш фақат шартномалар ва суғурталанувчининг полислари мавжуд бўлган тақдирда бошланади» деб ёзиб қўйилган. Ишлаб чиқариш, тадбиркорлик фаолиятининг, мулкка эгаликнинг бошқа турларини мажбурий суғурталашга оид ҳукумат қарорлари ва йўриқномалари мавжуд. Ихтиёрий суғурта эса суғурталанувчининг ташаббуси билан амалга ошириладиган жараёндир.

**– Мажбурий суғурталашга оид ҳукумат қарорларида белгиланган вазифалар хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар томонидан қандай бажарилаяпти?**

– Шуни айтиш кераккки, мажбурий суғурта давлат манфаатларига боғлиқ ишлаб чиқариш фаолиятини, мол-мулкни суғурталашни ўз ичига олади. Шунингдек, хусусий мол-мулкни мажбурий суғурталашда учинчи шахс олдидаги фуқаролик жавобгарлиги, фуқароларнинг манфаати назарда тутилган. Давлат маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилишлар, ташкилотларнинг транспорт воситалари, жамоат транспорти ва бинолар шулар жумласидандир. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабрдаги қарорида мулкчилик шаклидан қатъй назар барча транспорт воситаларининг эгалари давлат мажбурий суғуртаси тизимида қатнашиши керак. Биз вилоят ЙПХ бошқармаси билан ҳамкорликда бу борада кейинги йилларда сезиларли ўзгаришларга эришдик. Мажбурий суғуртанинг бошқа турлари бўйича ҳам шу тариқа қонун доирасида иш олиб борилаяпти.

**– Суғурталанувчи мажбурий суғурта шартномасини исталган компания билан тузиши мумкинми?**

– Бу масалаларнинг қай тартибда ҳал этилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги қарорида аниқ белгилаб қўйилган. Аҳолининг ишончини оқлаш учун суғурта компанияси етарлича молиявий базага эга бўлиши шарт. Шу боис юқоридаги қарорга кўра мажбурий суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғурталовчилар учун устав фондининг энг кам миқдори 500 минг АҚШ долларига тенг миқдорда белгиланган.

**– «Кафолат» ДАСК ва унинг вилоят филиали фаолияти хусусида ҳам тўхталсангиз?**

– Компания фаолият бошлаганига саккиз йилдан ошди. Суғурта бозорида эндиликда унинг барқарор ўрни бор, мавқеи нисбатан юқори. Шу даврда унинг активлари 7 марта, инвестициялари 10 марта ошган. Дунёнинг етакчи суғурта ва қайта суғурталаш компаниялари «Плойдс», «Мюних-Ре», «Ингосстрах» билан шартномавий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Вужудга келтирилган захира фонди, иқтисодиётнинг йирик объектларини суғурталаш ва қайта суғурталаш соҳасида тўпланган ижобий тажриба компания томонидан мажбуриятлар бажарилишини кафолатлайди. Компаниянинг Самарқанд филиали 45 793 юридик ва жисмоний шахс билан шартнома тузган. Олдинги йилга нисбатан мижозлар сони 13 минг 334 тага, суғурта тушуми 26,2 фоизга ошди. Мажбурий ва ихтиёрий суғурта тушумлари мутаносиб равишда 8,5 ва 8,7 фоизга ўсди. Суғурта ҳодисаси ҳисобга олинган 62 ҳолатда жами 1 миллион 69 минг сўм тўлаб берилди. Бу йил ишлар кўлами янада кенгаймоқда. «Сиҳат-саломатлик йили» дастури доирасида қўшимча равишда 7035 фуқаронинг ҳаёти бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилинди.

**– Суғурталаш тизими аҳолининг турмушига чуқур кириб бориши учун яна нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

– Бунга фақат тушунтириш-тарғибот воситасида эришиш мумкин. Матбуотда, телевидениеда кўпроқ чиқишлар қилиш, учрашув ва йиғинларда бу ҳақда батафсилроқ тушунтириш бериш лозим. Аниқ мисоллар, асосли ҳисоб-китоблар ва таҳлилларга бой суҳбатлар яхшироқ самара беради. Яқин келажакда суғурта аҳоли турмушидаги биринчи даражали эҳтиёжлардан бири бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

**Суҳбатдош: Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*“Intermobilgaz” хизматингизга мунтазир*

# ҲАМ ЭКОЛОГИЯГА, ҲАМ КАРМОНГА ФОЙДА

***Ҳозирги вақтда атроф-муҳитни асраш, келажак авлодга гўзал табиатни бунданда гўзалроқ ва мусаффороқ қилиб мерос қолдириш устида олимларимиз тинмай изланишяпти. Масалан, илм фидойилари автомобиллар “озуқаси” бўлмиш бензин ўрнини босадиган ёнилғи кашф қилиш учун узоқ изланишди. Ниҳоят, автомобилларни газ балонлари билан ишлаш жараёнини таклиф этишди. Бу албатта катта самара беради. Биринчидан, маблағ тежалса, иккинчидан, экологияга айтарлик зиён етмайди.***

***Балонли газдан фойдаланишнинг афзалликлари яна нимада? Мухбиримиз “Intermobilgaz” очиқ масъулияти чекланган жамият директорлари кенгашининг раиси, иқтисод фанлари номзоди Муртазо СУЛТОНОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.***

- Авваламбор шуни таъкидлаш лозимки, газ балонлари билан ишлайдиган ёнилғи анча арзон. Масалан, “Nexia” автомашинасини олайлик. У 150 километр йўл босадиган бўлса, 9 литр бензин сарфлайди. Айнан шу машина шунча йўл босадиган бўлса, 9,9 литр газ кетади. Афзаллик томони шундаки, 1 литр бензин ўрта ҳисобда 370 сўм турса, 1 литр газнинг баҳоси 170 сўм. Бўёғини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

Шу билан бирга газ машинанинг техник иш жараёнларини зўриқтирмаган ҳолда двигател қувватини ҳам кучайтиради. Цилиндрдаги поршенлар хизмат муддати узаяди. Двигател мойи ўз хоссасини йўқотиши секинлашади. Машина эгаси учун яна бир қулайлик мавжуд. Бу машинанинг узоқ муддат таъмирсиз ишлаши учун қулай имконият яратади. Бу омилларнинг барчаси ёқилғига сарфланадиган маблағни уч баравар тежаш имконини яратади. Двигателнинг хизмат муддати ҳам 30-40 фоизга ошади.

Яна бир муҳим жиҳати, балонли газ ускуналари автомашинани олиб қочадиган “ишқибоз”лар фаолиятига ҳам чек қўяди. Чунончи, осонгина ечса бўладиган коммутаторни узиб қўйсангиз бас. Ҳар икки тур ёнилғининг узатиш йўли батамом беркилиб, двигател ўт олмайди. Балонли газ ускуналарини кўпгина қисмларини бошқа автомашиналарга қайта ўрнатиб, хизмат муддатини янаям узоқроқ чўзиш мумкин.

**- Чет элда ишлаб чиқарилган машина эгалари бу қулайликдан фойдаланишлари мумкинми?**

- Бундай мосламани “Евро - 4” экологик нормаларга тегишли машиналарда қўллаш мумкин. Балонли газ ускуналари амортизациянинг минимал даражада бўлиши билан изоҳланади. Агар ускуналардан ўринли фойдаланилса, резина-техника жиҳозларини алмаштиргунингизга қадар ремонтлараро оралиқ муддат 5 йилдан кам бўлмайди.

**- Газ балонларининг экологик афзаллиги нималардан иборат?**

- Ҳаракатдаги автомашиналар ҳар дақиқада атмосферага зарарли чиқитлар чиқаришини биласиз. Масалан, ҳозирги пайтда йирик шаҳарларимизда ҳавони булғаётган зарарли чиқитларнинг ярмидан кўпроғи автомашиналар ҳиссасига тўғри келади. Агар муқобил ёнилғи тури - газда ишлашга ўтилса, экологик муҳит сезиларли даражада яхшиланган бўларди. Чунки ёнилғи олтингугурт ва рух сингари моддалардан бутунлай ҳоли. Қолаверса, биз автомобилларни газ билан ишлашга ўтказсак, мамлакатимиздаги нефт заҳираларини имконият даражасида тежаган бўламиз.

**- Кўпчиликда газ балонларини қўллаш қай даражада хавфсиз, деган савол туғилиши табиий.**

- Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, газ билан ишлайдиган автомашиналар бензин билан ишлайдиган автомашиналарга нисбатан хавфсиз, газ таркибига ҳаво кириб қолган ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат юқори концентрация юз бергандагина ёнғин чиқиши мумкин. Чунки бензин 1,5 концентрация юз берган вазиятда ёнса, газ 1,8 - 2,4 фоизга етганда ёниши мумкин. Бугунгача республикамизда автомашина ҳалокатлари содир бўлган ҳолларнинг бирортасида балонли газнинг портлаши рўй бермади.

**- Ўз автомашиналарига балонли газ ўрнатмоқчи бўлганлар қаерга мурожаат этишлари лозим?**

- “Intermobilgaz” очиқ масъулияти чекланган жамият автомашиналарга балонли газ ускуналари ўрнатиш, газ қуйиш шахобчаларини монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш фаолияти билан шуғулланади. У - BRC, BRC Gaz Eguipment (савдо маркаси - MTM sn (Италия) компаниясига қарашли бўлиб, балонли газ ускуналарини ўрнатувчи (эксклюзив) тезкор диллердир. BRC Gaz Eguipment тамғаси билан чиқарилган маҳсулотлар ўзининг юксак сифати ва кенг диллерлик тизими билан бутун жаҳонга таниқли, ISO 900 стандартининг қатъий талаблари ва R-67 халқаро қоидалар нормаларига тўла жавоб беради.

Бугунги кунда у ўз ускуналари ва бутлама (комплект)ларини Европанинг кўплаб мамлакатларига пешма-пеш етказиб бермоқда. Экологик хавфсизлик бўйича “ЕВРО-1”, “ЕВРО-2” талабларига мос.

Компания мижозлари сони Ўзбекистонда ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Тошкент вилояти ҳокимияти, Оҳангарон шаҳар ҳокимияти, Тошкент вилоят Давлат мулки бошқармаси, Республика “Миллий банк”и, “Асака банк”, “Тадбиркор банк”, “Халқ банки” ва яна бошқа бир қанча банк ҳамда қўшма корхоналар шулар жумласидандир.

**Суҳбатдош:**
**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*2005 йил—Сиҳат-саломатлик йили*

# ОҚДАРЁ ЧЕККАСИДАГИ СЎЛИМ ГЎША

***Оқдарё туманининг марказидан унча олис бўлмаган бир сўлим гўша бор. Илгари у қайсидир қурилиш трестига қарашли дам олиш ҳудуди эди. Кейинчалик эса қаровсиз қолди. Икки йил аввал бу маскан Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфига ўтказилди ва фақат ўқитувчиларни соғломлаштиришга мўлжалланган “Устоз” саломатлик марказига айлантирилди. Ҳозирга қадар бу ерда 2,5 мингдан зиёд таълим ходимлари дам олиб, соғлиғини тиклади.***

Мазкур оромгоҳ ўзига хос лойиҳа асосида қурилган бўлиб, 10 та коттеждан иборат. Асаб, қон-томир, таянч-ҳаракат органлари касалликларини даволашга ихтисослашган. Икки ҳафта давомида даволашнинг сувли, балчиқли, игна воситасидаги муолажа, физиотерапия усуллари қўлланилади. Бу ерда Камол Исмоилов, Алишер Темиров каби малакали шифокорлар, Шаҳри Тўхтаева, Мақсуда Қурбонова, Дилрабо Саломова каби ажойиб ҳамширалар беминнат хизмат кўрсатишади. Биз “Устоз” саломатлик марказининг имкониятларини мадҳ этмоқчи эмасмиз. Қуйидаги фикрнинг ўзи кифоя, деб ўйлаймиз.

— Мен кўп йиллар давомида оёқ оғриғидан азият чекдим. Узоқ вақт даволандим. Лекин дард аримади. Ўтган йили шунчаки қизиқиш билан туманимиздаги мана шу сиҳатгоҳга келдим, - дейди оқдарёлик ўқитувчи Ҳамидулла Турдиев. - Оғриқнинг зўридан ҳасса суянардим. Бу ерда эса жуда яхши даволашди. Қайтар маҳали ҳассани марказ директорининг хонасига эсдалик ва миннатдорчилик рамзи сифатида ташлаб кетдим.

Сиҳатгоҳда дам олувчилар учун барча шароитлар муҳайё. Клуб, кутубхона, ошхона мунтазам ишлаб турибди. Кичик хиёбон ҳамиша тоза, ораста, соя-салқин. Дам олувчилар учун тез-тез концертлар, қизиқарли кечалар, сайр-саёҳатлар уюштирилади.

— «Сиҳат-саломатлик йили» дастури доирасида бу йил марказда хотин-қизлар маслаҳатхонаси очилди. Мутахассислар жалб этилиб, ускуналар билан таъминланди, - дейди марказ директори З.Облоқулов, - Яна бир қанча режалаштирган ишларимиз бор. Ҳаммасини амалга ошира олсак, имкониятлар янада яхшиланади.

Марказнинг умумий ҳудуди 22 гектарни эгаллаган. Шундан 5 гектари кўл, 1 гектари тераксор, 3 гектари томорқа ва ҳакозо. Боғдан олинадиган мевалар, томорқада етиштирилган сабзавотлар дам олувчилар дастурхонига тортилади. Худди шу мақсадлар учун ўрдак, 10 бош қўй боқилаяпти. Балиқчиликни ривожлантириш мўлжалланган. Жамоанинг ўз кучи билан етиштираётган 20 минг тупга яқин терак ҳам етилгач, янги қурилишларда асқотади.

Ўйлаб кўрадиган баъзи муаммолар ҳам бор. Янги уйлар қурилиши ҳисобига қишлоқ сиҳатгоҳга жуда яқинлашиб келган. Энди унинг атрофини албатта ўраб олиш керак. Яна бир гап. Ўқитувчилар учун махсус ташкил этилган бундай сиҳатгоҳ республикада ягона. У вилоят ўқитувчиларининг даволаниш эҳтиёжининг 30-40 фоизини қоплайди, холос. Имкониятларни кенгайтириш учун “Устоз” саломатлик марказига молиявий ёрдам керак. Чунки, тўғриси, аксарият ўқитувчилар марказий сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқара олмайди. Бу ерда эса йўлланма учун 70 фоиз тўлов “Маърифатпарвар” жамияти орқали амалга оширилади. Балки, бошқа вилоятлардаги мутасаддилар ҳам Самарқандаги “Устоз” саломатлик маркази билан ҳамкорлик қилишга қизиқиб қолишар.

**Қ.РУСТАМОВ**

# ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

***Жиззах шаҳрида янги диагностика маркази фаолият кўрсата бошлади.***

*«Сиҳат-саломатлик йили» вилоят дастурида белгиланган режага мувофиқ марказнинг биноси тўлиқ таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Марказ учун 240 миллион сўмлик компьютер томограф, 12,7 миллион сўмлик биохимик анализатор, ЭКГ, УЗИ аппаратлари сотиб олинди.*

*Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда «Сиҳат-саломатлик йили» дастури ижроси бўйича 1 миллиард 860 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.*

# КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИ ДАВРИ ДАВОМИДА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРИ ЎЗГАРСА...

**Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси Икромжон Юнусов жавоб беради**

***САВОЛ: 2005 йил 1 майда фарзандли бўлдим ва шу ойнинг 2 санасидан бола тарбияси учун икки ёшгача тўланадиган нафақага чиқдим. Туғишгача ва туққандан кейин касаллик варақаси учун тўланадиган тўловни иш берувчи эски окладда ҳисоблаб берамиз, демоқда. Шу тўғрими?***

**Н.ИСМАТҚУЛОВА,**
**Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 8 майдаги «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга биноан агар нафақани ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи асос қилиб олинадиган давр мобайнида ходимнинг иш ҳақи миқдори ўзгарса, нафақани ҳисоблашда иш ҳақи ўзгарган кундан бошлаб тўланган иш ҳақи олинади.

Ходим узрли сабабларга кўра иш ҳақига эга бўлмаган, қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақидан нафақа ҳисоблаб чиқарилиши лозим бўлган ҳолларда нафақа тариф ставкаси (лавозим маоши) ва мукофотларнинг ўртача ойлик миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши лозим. Бунда тариф ставкаси ёки энг кам иш ҳақи туман коэффиценти ва устамалар белгиланган жойларда ишлаганлик учун бериладиган устамаларни ҳисобга олган ҳолда асос қилиб олинади.

Шунингдек, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш даврида иш ҳақи ўзгарган бўлса, шу даврдан бошлаб нафақа миқдори ҳам тегишли равишда қайта ҳисоблаб чиқарилади. Агар нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақига қўшимча ҳақ ҳисобланган бўлса, нафақа ҳам тегишли равишда ошади.

***Ёз фасли электр, газ, сув таъминоти ва бошқа коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар учун янги мавсумга тайёргарлик даври ҳисобланади. Бу даврда яроқсиз ҳолга келган ускуналар, электр линиялари ва газ, сув қувурлари янгиланади. Шу билан бирга қишда йиғилиб қолган қарзларни босқичма-босқич камайтириш ишлари ҳам айнан шу даврга тўғри келади. Бу борада «Фарғонагаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда.***

# «ЗАНГОРИ ОЛОВ» беҳисоб эмас

Жумладан, «Бағдодтумангаз» филиали 17 минг 580 та хонадонга хизмат кўрсатади. Туманда йил бошидаги қарздорлик 126 миллион сўм бўлиб, 1 май ҳолатига 138 миллион сўмга кўтарилган. Ёзда истеъмол қишдагидан икки-уч баробар кам бўлади. Бу эса қарзни камайтириш ва таъмирлаш ишларини жадаллаштириш имконини беради. Корхонада улгуржи истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш фақат олдиндан 15 ва 30 фоиз аванс тариқасида тўлов қилингандан сўнггина амалга оширилади. Бунинг натижаси ўлароқ, корхона-ташкилотларнинг фойдаланилган табиий газдан қарзи 6 миллион 800 минг сўмни ташкил этади, холос.

- Қишда туманимизнинг баъзи ҳудудларига табиий газ етказиб бериш анча мураккаб бўлади, - дейди бош муҳандис Бахтиёр Тешабоев. - Аҳолининг ҳақли эътирозларидан хулоса чиқариб газ қувурларини тозалаш ва босим остида синовдан ўтказиш ишларига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ҳозирги кунгача юқори босимли газ қувурларидаги бир нечта ишдан чиққан жойлар таъмирланди. Натижада газ босими кўтарилди, асосийси табиий йўқотишлар камайтирилди.

Риштонликлар ҳам табиий газ билан таъминлаш мураккаб бўлган давр якунига етгани боис, асосий эътиборни йирик қарзларни ундириш, табиий газ тармоғига ноқонуний уланиб олган истеъмолчиларни аниқлаш ва чора кўришга қаратишган. Жорий йилнинг 1 июн ҳолатига ноқонуний равишда табиий газдан фойдаланган 120 та хонадон аниқланди. Уларнинг лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, мижозлар ҳисоб варағига киритиляпти. Истеъмолчилар томонидан сарф этилган 359 минг 900 сўмлик табиий газнинг пулини ундириш чоралари кўрилаётир. 257 та хонадоннинг 12 миллион 190 минг сўм қарзи ҳуқуқ-тартибот идораларига топширилди. Ҳозирга келиб ушбу сумманинг 10 миллион сўмга яқини ундирилди.



Тумандаги корхона ва ташкилотларда ишловчиларнинг табиий газдан бўлган қарзи Вазирлар Маҳкамасининг 1031-тартиби

*Мухбир нуқтаи назари*

бўйича ўз аризасига биноан ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиняпти. Январда мазкур тартиб бўйича корхоналар томонидан 1 миллион 868 минг сўм пул ўтказилган эди. Ўтган ойлар давомида корхоналар билан бу йўналишдаги ишлар анчайин жонланди. Натижада тушум ойдан-ойга ортиб боряпти. Хусусан, май ойида ишчи-хизматчиларнинг ойлик иш ҳақи ҳисобидан корхоналар ўтказиб берган пул 11 миллион сўмга етди. Бунда туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, марказий шифохона каби қатор корхоналар катта масъулият билан иш олиб боришмоқда.

Корхона раҳбари Рустам Дадақўзиевнинг айтишича, бу тартибни кичик корхоналарда ҳам жорий этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Бу пул тушуми янада ортишига ёрдам беради.

Шунингдек, «Риштонтумангаз» филиалида 2005 - 2006 йил қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича режа ишлаб чиқилган. Унга кўра 668 та газ тақсимлаш ускунасини тафтиш қилиш, 17,8 километр газ қувурини тозалаш ва юқори босим остида текшириш ҳамда бошқа қатор таъмирлаш, бўяш ишлари амалга оширилади. Ёз энди бошланган бўлсада, таъмирлаш ишларининг асосий қисми бажариб бўлинди. Бу белгиланган ишлар муддатидан анча олдин тугалланишини англатади.

**Н.ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЯНГИ МАҲАЛЛАЛАР

Бухоро шаҳрида маҳалла фуқаролари йиғини сони учтага кўпайди. Янги маҳаллалар Зулфия, Адолат, Зебуннисо номлари билан аталди.

Бу ўзгаришлар аввало бошқарувни такомиллаштириш, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларини чуқур ўрганиш ва ҳал этиш, аҳолини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга ушбу маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги яхши самара бераётир.

Маҳаллалар сони вилоятда ҳам кўпаймоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 63 та ана шундай ўзини ўзи бошқариш органи ташкил этилади. Ҳозирги пайтда янги тузилмалар учун бинолар ажратиш, тегишли шароит яратиш тадбирлари кўрилмоқда. Ушбу фуқаролар йиғинларига раис ва унинг маслаҳатчилари миллий қонунчиликда белгиланган тартибда сайланади.

**(ЎзА)**

# ПЕДАГОГ ИШ ҲАҚИ

**Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради**

***САВОЛ: менинг ойлик маошим тўлиқ 1,35 фоизга ошадими ёки фақат асосий (31200 сўм) окладим ошадими?***

**Иллиёра НОРОВА,**
**Бухоро шаҳри**

**ЖАВОБ**: ўрта махсус маълумотли ўқитувчининг (бошланғич синф ўқитувчисининг) 1 ставка ойлик иш ҳақи 32014 сўм бўлиб, 1,35 фоизга ошади ва 20 фоиз қўшимча қўшилгандан сўнг 42779 сўмни ташкил этади (компенсация ҳам шу ойликнинг ичида). Дафтар текшириш учун Сизга 3918 сўм ва синф раҳбарлигингизга 7835 сўм тўланади. Вазирлар Маҳкамасининг 335-қарори асосида умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ улуши, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун ўқитувчиларни тест синови натижалари бўйича аниқланадиган, ўқитувчиларнинг таълим стандартларини ўзлаштириб олиш даражасига қараб 25 фоизгача миқдорда ҳамда тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишлар олиб борилганлиги учун ўқитувчиларнинг тўгараклар ва секцияларда мунтазам машғулотларга ва ижодий фаолиятга жалб этилиши даражасига қараб 15 фоизгача миқдорда устама ҳақ 12806 сўм тўланса бир ойлик иш ҳақингиз 67338 сўмни ташкил этади.

***САВОЛ: 1.Бухоро Давлат университети қошидаги «Бизнес мактаб» ўқув марказининг «бошланғич синф ўқитувчиси мутахассислиги» дипломига эга бўлган ходим ўз мутахассислиги бўйича дарс бериши мумкинми?***

***2.Олий маълумотли психолог ўз соҳасида ишласа, унга иш ҳақи қай тарзда тўланади?***

***3.Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 июлдаги 335-сонли қарори асосида ўқитувчиларга устама ҳақ тўлаш қандай тартибларга асосланади?***

**Ш.РАҲМАТОВА,**
**Қоракўл тумани**

**ЖАВОБ**: «Бизнес мактаб» ўқув марказида «бошланғич синф ўқитувчиси» мутахассислиги бўйича билим олган ўқитувчи ўқувчиларга малакали дарс беролмаслиги мумкин. Шу сабабли мактабда дарс бериш учун жойларда халқ таълими бўлимлари рухсати билан ишлашлари зарур бўлади.

2.Олий маълумотли психолог ўз соҳасида ишласа, 4-разряд миқдорида (ягона тариф сеткаси бўйича) маош олади.

3.Умумтаълим муассасаларида ўқитувчиларга касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ улуши, юқори самарадорлиги ва ўқитишнинг сифати учун – ўқувчиларни тест синови натижалари бўйича аниқланадиган ўқувчиларнинг таълим стандартларини ўзлаштириб олиш даражасига ҳамда улар томонидан тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишлар олиб борилганлиги учун Вазирлар Маҳкамасининг 335-сонли қарори асосида 25 фоизли ва 15 фоизли устама ҳақ тўлаш жорий этилган.

***САВОЛ: 1.Ўқитувчиларга берилаётган имтиёзли нафақа тўгарак раҳбарларига ҳам тегишлими?***

***2.Армияда хизмат қилган давр имтиёзли пенсияга чиқиш учун зарур бўлган стаж ҳисобланадими?***

**О.НИСАНБОЕВА,**
**Тахиатош шаҳри,**
**С.САМАНДАРОВ,**
**Қамаши тумани**

**ЖАВОБ:** педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби «Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни билан амалга оширилади. Ушбу қонуннинг 12-моддаси «к» бандига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган 3-рўйхатнинг VII қисмига асосан умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин, яъни аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлган тақдирдагина пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу рўйхатда тўгарак раҳбари каби касбда ишловчилар имтиёзли пенсияга чиқувчилар орасида назарда тутилмаган.

2.Армияда хизмат қилган давр иш стажига киради. Бироқ, имтиёзли пенсияга чиқиш учун зарур бўлган меҳнат стажи ҳисобланмайди. Чунки фақат махсус педагоглик иш стажига эга бўлганлар мазкур имтиёздан фойдаланишлари мумкин.

«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ





# ГОНОРАР ТЎЛОВИ ПЕНСИЯНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШДА ИНОБАТГА ОЛИНАДИМИ?

***САВОЛ: гонорарлар тўлови пенсияни ҳисоблаб чиқаришда инобатга олинадиган тўловлар ва бошқа ойлик иш ҳақларига қўшиб ҳисобланадими?***

**Т.ТУРСУНОВА,**
**Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ**: амалдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддасида меҳнат стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турлари кўрсатилган. Ушбу модданинг «а» банди учинчи хат бошида «ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажлари, агар улар бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига (илгари ижтимоий суғурта жамғармаси, пенсия жамғармаси) суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат стажига қўшилади. Ижодий уюшмалар бундай меҳнат фаолиятини ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар. Мазкур қонуннинг 32-моддасига мувофиқ, пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига суғурта бадаллари олинадиган меҳнат ҳақининг барча турлари қўшилади. Амалдаги иш ҳақи тўлаш тизимида назарда тутилмаган. Бир марталик хусусиятга эга бўлган тўловлар бундан мустасно.

Суғурта бадаллари олинмайдиган ва пенсияни ҳисоблаб чиқишда қўшилмайдиган иш ҳақи ва бошқа тўлов турлари рўйхатида гонорарлар кўрсатилмган. Демак гонорар тўлови суғурта бадаллари олиниши керак бўлган иш ҳақи турига киради ва пенсияни ҳисоблаб чиқаришда инобатга олинади.

**ЎзКУФКнинг ҳуқуқшунослари билан ҳамкорликда тайёрланди**



*Халқ ижодиёти*

# САНЪАТСЕВАР ЁШЛАР

*Фориш туманида 2 та халқ унвонига эга бўлган даста фаолият кўрсатмоқда. "Чорвадор" ашула ва рақс халқ дастаси ва "Боғдон гуллари" фольклор халқ дастаси шулар жумласидан. Ҳар иккала дастада 70 дан ортиқ йигит-қизлар иштирок этади. Шунингдек, 60 та бадиий ҳаваскорлик жамоалари бўлиб, шундан 40 таси болалар ва ўсмирлар бадиий ҳаваскорлик жамоаларидир. Уларда 747 нафар ёшлар санъатнинг ўзлари қизиққан соҳаларини эгаллашмоқда. Ўқувчиларнинг таътил кунлари уларнинг иштирокисиз ўтмайди. "Чорвадор" ашула ва рақс халқ дастаси қошида ташкил этилган "Ёшлар" эстрада гуруҳи, "РЭП" гуруҳи концерт томошалари барчага манзур бўлаётир. "Боғдон гуллари" фольклор халқ дастаси чиқишларини барча севиб томоша қилмоқда.*

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Болалар спорти*

***Бугун юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида болалар спортига алоҳида эътибор бериляпти. Республикамизнинг чекка ҳудудларида замонавий спорт мажмуалари қад ростламоқда.***

# ҲАММАСИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан сўнг бу борада олиб борилаётган ишлар янада ривожланди. Қарорда белгилангандек, болалар спортини ривожлантириш ва айниқса қишлоқ жойларида ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга оммавий жалб этиш умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаси, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ажралмас қисмидир.

Ангор туманида 24 та болалар боғчаси, 41 та мактаб мавжуд. Мактабгача таълим муассаларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, болажонларни турли машқларга кенг ўргатиш орқали соғломлаштиришга катта аҳамият берилмокда. Шунингдек, боғчаларда ҳар бир боланинг жисмоний ривожланишини кузатиш йўлга қўйилган. Яъни, ҳар олти ойда боланинг вазни, бўйи, кўкрак қафаси ўлчамлари мониторинги юритилмоқда. Бундан ташқари, фитобарлар ташкил этилган бўлиб, болажонлар унда турли мева шарбатларини истеъмол қилади. Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида "соғломжон –полвонжон" спорт мусобақасини ўтказиш кенг йўлга қўйилган. Ҳозирда бу ўйинларнинг биринчи босқичи барча мактабгача таълим муассасаларида бўлиб ўтди.

Маълумки, ёш болаларда ясси оёқлик (плостоцкопия) касаллиги кўп учрайди. Шуни инобатга олиб, тумандаги барча боғчаларда бунинг олдини олиш учун ҳар хил қўлбола тўшамалардан оқилона фойдаланилмоқда.

Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, белбоғли кураш, миллий кураш, қўл тўпи тўгараклари билан бир қаторда, бадиий гимнастика тўгараги ҳам иш бошлади. Иқтидорли мураббий Венера Ўроққулова бошчилигидаги туман жамоаси вилоят биринчилигида учинчи ўринни эгаллади.

"Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг вилоят босқичида қатнашган туман ёшлари спорт гимнастикаси бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Спортнинг баскетбол, белбоғли кураш, футбол, миллий кураш, стол тенниси турларидан ҳам натижалар чакки бўлмади.

-Шароитдан келиб чиқиб, ўз ҳаракатларимиз билан 5 миллион сўм маблағ ишлаб топиб, болалар спортини ривожлантириш жамғармасига туширдик,-деди туман халқ таълими бўлими мудири Н.Ражабов. –Баҳорги мавсумда далага ўғит ташиш орқали маблағ жамғарган бўлсак, кейинроқ бу ишни металлом йиғишда давом эттирдик. Бу маблағга спорт жиҳозлари сотиб олишни режалаштирганмиз.

Туман болалар ўсмирлар ижодиёт марказида каштачилик, сўзана, гулчилик, расм ва мусиқа тўгараклари ишлаб турибди.

**А.ЮНУСОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН - КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Волейбол бўйича эркаклар ўртасида жаҳон чемпионатининг Таиландда ўтган биринчи саралаш босқичида мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Саудия Арабистони ва Афғонистон терма жамоаларининг иштирок этиши кўзда тутилган эди. Бироқ, Саудия Арабистони терма жамоаси Таиландга келмагани боис мусобақа уч жамоа ўртасида ўтказилди.

Мусобақа қоидасига кўра, кейинги босқичга гуруҳда дастлабки икки поғонани эгаллаган терма жамоалар йўлланма олади. Шунинг учун ҳам учала жамоанинг ўзаро баҳси кескин ва муросасиз кечди. Ўзбекистонлик волейболчилар Афғонистон терма жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мезбонларга қарши ўтказилган баҳсда ҳамюртларимиз 0:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатига чиқиш учун саралаш ўйинларини давом эттиради.

Жаҳон чемпионатининг иккинчи саралаш босқичига 22-24 июль кунлари Эрон мезбонлик қилади. Мазкур босқичда волейболчиларимиз мезбонлардан ташқари, Австралия ва Хитой Тайпейи терма жамоаларига қарши майдонга тушади.

## ХАЛҚАРО ТУРНИРДАН ТЎРТ МЕДАЛ

Туркиянинг Мармарис шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган халқаро турнир Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси учун муваффақиятли якунланди.

Терма жамоа мураббийлари - Қўлдош Асрақулов, Эшпўлат Ҳидоятов ва Латиф Халилов шогирдлари иккитадан олтин ва бронза, жами тўртта медалга сазовор бўлди.

Халқаро турнирда барча рақибларини енгган Ихтиёр Наврўзов ҳамда Неъмат Ешетаев олтин медаллар билан тақдирланди. Яна икки нафар курашчимиз Рустам Раҳимов ва Артём Присяжнюк бронза медални қўлга киритди.

## ДИЛШОД ОСИЁДА ТЕНГСИЗ

Хитойнинг Юхань шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасининг тўрт нафар аъзоси шоҳсупадан муносиб жой олди.

Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси, эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони, Афина Олимпиадаси иштирокчиси Дилшод Мансуров Осиё чемпионатида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, мухлису мутахассисларга қитъада тенгсиз эканини яна бир карра исботлади.

Сослан Тигиев эса кумуш медаль билан кифояланди. Афина Олимпиадаси иштирокчиси Дамир Захардинов ҳамда Пўлат Ўразимбетовга эса Осиё чемпионатининг бронза медаллари топширилди.

Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда Динара Мирзаева кумуш медаль соҳибаси бўлди.

**(ЎзА)**

*Учрашув*

# "БОДОМ БИКАЧ" КЎЗЛАГАН МАНЗИЛ

## Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри актрисаси Шамсиқамар Мансурова фаолиятига бир назар

***— Мухлисларингиз сизнинг қаерда ва қандай иш бошлаганингиз билан қизиқишади. Суҳбатимизни ана шундан бошласак.***

— Эсимда, театр саҳнасида "Қизил шапкача" эртаги қўйилаётганди. Менга тулкича ролини беришди. Томоша олдидан залдаги болалар бараварига "Ҳой, тулки!" деб қичқиришдию қўлларидаги конфет, ғижимланган қоғоз, яна алланималарни менга қараб ота бошлашди. Кўзларимдан дувуллаб ёш қуйилди. Шунда кекса актриса Манзура Ҳамидова ёнимга келиб, "Қизим, сен ҳозир йиғлаш ўрнига суюнишинг керак. Болаларни ишонтириш осон иш эмас, сен буни уддаладинг!" дедилар. Мақтов сўзларини эшитгач, куни бўйи қушдек учиб юрганман. . .

Бундан ўттиз йиллар муқаддам Йўлдош Охунбобоев номли республика Ёш томошабинлар театридаги иш фаолиятим худди шундай бошланганди. Ўтган вақт ичида бу театр саҳнасида кўплаб образларни яратдим. "Минг бир кеча"да — Шаҳризода, "Сенинг тақдиринг"да - врач, "Ўрмон қўшиғи"да - Қийиқ, "Олтин япроқ"да - гўзал аёл, "Алп Жамол"да - келин, "Сирли сандиқ"да - Қиммат... Маълумки, эртакдаги Қиммат Зумраднинг мутлақо тескариси, яъни тантиқ ва ўжар қиз. Мен ана шу ролни узоқ йиллар ўйнадим. Ва айтишим керакки, кўп йиллар ёш томошабинлар мени кўчакуйда бир-бирига кўрсатиб, "Ана, Қиммат келаяпти!" дейдиган бўлишди.

**— Театрда қўйилаётган томошалардан ўзингизнинг кўнглингиз тўладими?**

— Албатта. Биласизми, саҳна томошаларимизнинг замирида кўҳна қадриятларимиз бўлмиш меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, ўзгаларга ҳурмат, кечиримли бўлиш сингари гўзал фазилатлар бўй кўрсатиб туради. Бизда бундай саҳна асарлари жуда кўп. Биргина "Чўп қўғирчоқ" томошасидаги воқеани олайлик. Шаҳарда ўсган замонавий қизча бувисини кўргани қишлоққа келади. Қарасаки, бу жойда компьютерли хоналар, дискотекалар, парклар йўқ. Зерика бошлайди. Шунда бувиси чўпларни бирлаштириб унга латта ўрайди-да, қўғирчоқ ясаб набирасига беради. Қизалоқ эса бироз ўйнаб, "Бу чўп қўғирчоқ ёқмади" дейдию уни кўчага улоқтиради. Сўнг айвондаги супада ухлаб қолади. Тушида унга улкан сувараклар, ўргимчак ва бошқа жониворлар ҳужум қилади. Қизча қаёққа қочишни билмай турганида ҳалиги чўп қўғирчоқ келиб ҳашоратларни ҳайдаб юборади. Ва қизни қутқаради. Қизча уйғониб кетади. Югуриб бориб ерда ётган чўп қўғирчоқни қўлига олади, у билан "дўст" тутинади. Театримизда қўйилаётган ушбу саҳна асари болаларни қўғирчоқларни қадрлашга ўргатади. Умуман, театр учун танлаб олинаётган ҳар битта эртак ёки воқеа замирида маънавий тарбия етакчи ўринда туради. Масалан, "Чоқ-чоқ, мақтанчоқ" томошаси (мен унда Она Қуён ролида чиқаман)да мақтанчоқлик ёмон иллат экани, "Сегуанлик меҳрибон" ( бу Хитой эртагида уй эгаси образини яратганман) томошаси орқали эзгулик ҳамиша ғолиб чиқишини, "Заҳарли томчилар"да эса гиёҳвандлик фожеага етаклаши ҳақидаги ғоялар илгари сурилади.

**— Саҳна ҳаёти сизга нима берди?**

— Мен театрда ишлаб болаларни ўргандим, уларнинг қалбига қулоқ тутдим, кўнгилларига кириб бордим. Жажжи томошабинларнинг юзу кўзларидаги ҳаяжон ва ҳайратни кўрганимда ҳамиша завқланаман, сўнг уларнинг ишончини қозониш учун бутун борлиғим билан рол ўйнай бошлайман. Ахир, бола халқи беғубор, у ростгўйликни қадрлайди, сохталикни кечиролмайди. Шундай экан, театрга келгач ҳар битта бола "ахир, бу шунчаки томоша-ку, актриса эса рол бажараяпти" деган хаёлга бормаслиги керак. Бунинг учун актриса ўз ишини севиши, унга меҳр қўйиши зарур. Мен ҳам ўтган йиллар давомида озми-кўпми мухлисларим меҳрини қозондим, уларнинг юрагини забт этдим, деб айта оламан. . .



**— Энг қадрли ролларингиз...**

— Кейинги йилларда ҳаётимда катта бурилишлар юз берди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлдим. "Йилнинг энг яхши актрисаси", "Саҳна санъати маликалари", "Энг яхши аёл образи учун", "Ҳумо қуши" кўрик-танловларида қатнашиб, совринлар олганман. Фильмлардаги ролларим ҳам мен учун жуда қадрли. "Алпомиш" бадиий фильмидаги Бодом бикачни ўйнадим. Шундан сўнг кўпчилик мухлисларимдан яхши сўзлар эшитганман. "Дард" фильмидаги бемор аёл, "Ибн Сино" видеофильмидаги Робиябону сингари ролларим ҳам менга муваффақият келтирди. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, инсон ютуқларга ўз-ўзидан эришмайди. Шунингдек, мен ҳам нимагаки эга бўлган эканман, аввало мени қўллаб-қувватлаган устозларим, ҳамкасбларим ва оиламдагилардан миннатдор бўлишим лозим. Иш фаолиятим даврида Манзура Ҳамидова, Муҳаббат Йўлдошева, Воҳид Қодиров каби ажойиб санъаткорларнинг ўгитларидан баҳраманд бўлдим. Истеъдодли режиссёр Олимжон Салимов етакчилигида йирик ишларга қўл урганмиз. Ёш томошабинларнинг меҳри эса мени доимо илҳомлантирган. Илгарига қараб боришимда мадад берган.

**— Оилангиз ҳақидаям сўзлаб беринг.**

— Оиламиз ҳавас қилгудек. Умр йўлдошим - Умар Мансуров таниқли рассом. Қизимиз Гўзалой, ўғлимиз Жўрабек ҳам рассомликни танлашди. Икки набирамиз бор. Мен ҳам бошқа аёллар сингари уй-рўзғор ишлари билан банд бўлишни, лаззатли таомлар тайёрлашни ёқтираман. Бу машғулот мени ҳеч зериктирмайди. Уйда саришталик, осойишталик бўлса, дейман. Оила даврасида жамулжам бўлиб, ўзаро суҳбатлашиб ўтирган пайтларимизни умримнинг энг мунаввар лаҳзалари деб ҳисоблайман.

**Г.КАРИМОВА**
**суҳбатлашди**

*Табиатшунос ён дафтаридан*

***Бу миттигина бало-ю офат қанақалигини кўп қаватли уйда яшовчилар яхши билишади. Хонадонингиз поллари тешикларини, сув ва иситиш шохобчалари тирқишларини ҳар қанча мустаҳкамламанг, барибир йўл топади. Сиз энг эҳтиётлаётган нарсаларингиз орасида ҳам пайдо бўлаверади. Айниқса, овқатланаётганингизда ингичка, узунчоқ мўйлабларини қимирлатиб кўриндими, иштаҳангиз хиппа бўғилади. Томоғингизга нимадир тиқилгандай бўлади, қўлингизга ушлаган нонингизни дастурхонга беихтиёр қайтариб қўясиз.***

# ЁРДАМЧИ ЧУМОЛИЛАР

Бу митти маълунларга қарши кураш бўйича олимлар, умуман фан қанчадан-қанча чоралар ишлаб чиқмаяпти. Заҳарли дорилар тайёрланди. Тўғри, уларнинг фойдаси тегмайди, деб айтиш адолатдан эмас. Маълум даражада самараси бор, аммо бироз фурсат ўтиб ана шу препаратларнинг таъсир кучи тугагач, тағин сарғимтир митти «душман»нинг қаёққадир шошиб кетаётганини ёки оғир ўйга ботган одамдек тек қотиб турганлигини кўриб қоласиз. Энг қизиқ жиҳати, бу митти бало-ю қазо ғоят ақлли. Сира кутмаган жойингизда пайдо бўлади ва қочиб қутулишнинг антиқа йўлларини билади.

Яқинда қизиқ воқеа юз берди-ю, ундан қутулиш йўлини топдим ва ўзим сингари кўп қаватли уйда яшовчилар, зора шу усулдан фойдаланишса-ю, ушбу касофатдан қутилишса, деган ўйда бу борадаги тажрибамни ўртоқлашгим келди.

Гап шундаки, баҳор ўрталарида туманга йўлим тушганда бир дўстимиз таклифи билан қулупнайзорга кириб, ўз қўлимиз билан мевалардан узиб олиб тамадди қилдик. Сахий мезбон унамаганимизга қарамасдан саватчаларга баҳор неъматидан солиб уйдагиларга ҳам бериб юборди. Қулупнай ҳар ҳолда ширалик неъмат эмасми, ўн-ўн бешта сарғимтир чумоли ҳам аралашиб кириб қолибди. Мевани уйга келтиргач, чумолига кўзи тушган хонадонимиз бекаси уни дарров ваннага киритиб ювмоқчи бўлди. Хуллас, бошқа идиш топиб бу ишни бажаргунча уч-тўрт эпчилроқ чумоли ванна тешикларига кириб яширинишга улгурган экан.

Уч-тўрт кун ўтгач ваннанинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида қулупнай саватчаларига яшириниб келган чумоли «вакил»ларига кўзим тушиб қолди.

Ҳатто, бунинг учун хонадон бекасидан яхшигина танбеҳ эшитдим. Шу боис кутилмаган меҳмонга кўзим тушган-тушганда дарров йўқотишга уриндим. Афсуски, бу жонивор ҳам яшовчан, жони қаттиқ бўларкан.

Орадан бир ҳафта, ўн кунлар фурсат ўтгач,бир ўзгаришни сезиб қолдим ва бунга бека ҳам пайқаган экан.

– Сувараклар кўринмай қолдими ёки менга айтмасдан дориладингизми? – дея сўраб қолди бир сафар.

– Ажабо, – деб қўйди менинг жавобимни эшитиб.

Қарабсизки, ичкари хоналарда, ошхона атрофида ҳам сариқ мўйлаб баттолларнинг қораси ўчгандек эди.

– Бу ёққа қаранг, манавини кўринг, – деб қолди бир кун эрталаб бека.

– Тинчликми? – хавотирланиб кирсам, икки чумоли каттагина суваракни икки томонидан тишлаб ваннанинг пастки қисмига судраб кетишаётганди.

Суварак намликни ёқтиради, сувсиз тура олмайди. Шу мақсадда ваннага келганда бу ердаги пойлоқчи чумолилар уларни тинчитар, суваракларининг кўринмай қолишига мана шу кутилмаган меҳмонлар сабабчи бўлишган экан. Шу тариқа қачонки кўзимиз тушса асаб қақшайдиган узун мўйлаб офатдан қутулиб қолдик.

**Ж.ОБИДОВ**

Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгаши Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг молия ишлари бўйича директор муовини Тамара Тошматовага ўғли

**РУСТАМ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Ф.Пўлатов номли 36-ўрта мактаб томонидан Абдуллаев Шуҳрат Рамазанович номига берилган U №1021689 рақамли 9-синфни битирганлиги ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

***Ўзбекистон билан Хитой ўртасида таълимий ҳамкорлик бўйича тузилган шартномалар ўз ижобий натижасини бермоқда. Олий ўқув юртлариаро алоқалар кенгайиб бормоқда.***

## УНИВЕРСИТЕТДА ЎЗБЕК ТИЛИ БЎЛИМИ

Буни Тошкентда очилган Конфуций институти мисолида ҳам кўриш мумкин. Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузурида фаолият кўрсатаётган буилм даргоҳи ташкил топганига бир йилча бўлиб қолди.

Ўзаро ҳамкорлик битими асосида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Пекиндаги миллатлараро марказий университетида ўзбек тилидан сабоқ бериш йўлга қўйилаётир. Бундай машғулотлар бу ерда ташкил этилаётган ўзбек тили бўлими орқали амалга оширилади.

Янги бўлим фаолиятини кенг йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчиларидан иборат илмий гуруҳ Хитойга сафарга отланди. Улар хитойлик тилшунос олимлар билан биргаликда ўқув курсларини тузиш билан шуғулланишади.

**А.АЛИЕВ**

## ИБН СИНО КУНЛАРИ

Республикамиз олий ўқув юртларида «Ибн Сино кунлари» ўтказилмоқда.

Талаба ёшларни тиббиёт ютуқларидан бохабар қилиш, уларни оилавий ва ҳаётга тайёрлаш мақсадида ташкил этилаётган бу таълимий тадбирга Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. «Баркамол шахснинг шаклланишида биологик омиллар» деган мавзуда давра суҳбатлари уюштирилди. Қизғин савол-жавоблар жараёнида ёшлар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича етарлича тушунчага эга бўлдилар.

# НИМ ТАБАССУМ

– Менга зўр ютуқ чиқса мўйнали пўстин сотиб олардим, – депти хоним.

– Чиқмаса-чи? – деб сўрапти эри.

– Унда сиз олиб берасиз.

* * *

Бир киши йўлда кетаётган машинани тўхтатиб, деди:

– Малол келмаса, Термизгача манави пальтони олиб кетмайсизми?

– Албатта, олиб кета оламан. Аммо Термизга боргач, пальтони кимга беришим керак?

– Қарши бўлмасангиз, пальтонинг ичида ўзим бўламан.

* * *

– Хафароқ кўринасиз, қўшни.

– Хафалик ҳам гапми? Эрим қарта ўйнашни билмайди.

– Бунинг нимасига хафа бўласиз?

– Гап шундаки, қарта ўйнашни билмай туриб ўйнагани-ўйнаган.

* * *

Стадион трибунасида ўтирган хотин эрини койийди:

– Чопаётган қизга намунча тикилмасангиз?

– Рашк қилма, азизим, барибир мен уни қувиб етолмайман.

* * *

Баличилар мусобақасида қатнашаётган одам каттакон балиқ ушлапти. Лекин уни бироз томоша қилгач, чуқур хўрсиниб, қўйиб юборибди.

– Нега бундай қилдингиз? – деб ачинишибди дўстлари.

– Барибир ҳеч ким ишонмайди.

* * *

Театрда танаффус вақтида жуда дидсиз кийинган бир хоним орқасида ўтирган томошабинга дейди:

– Агар шляпам сизга халақит бераётган бўлса, ечиб қўйишим мумкин.

– Асло! Сизнинг шляпангиз пьесадан кўра кулгилироқ!

* * *

– Кечаси уйга кеч қайтганимда хотиним индамади-ю, қаҳр билан соатга қараб қўйди.

– Сенинг ишинг тузук экан. Менинг хотиним эса ҳар гал календарга қараб қўяди.

* * *

Бир йигит бир чиройли қизни кўриб, унга тикилиб қолди. Кейин сўради:

– Яхши қиз! Сиз бир кўришда ошиқ бўлиш мумкинлигига ишонасизми?

– Йўқ, ишонмайман.

– Келинг, бўлмаса, эртага ҳам кўришайлик.

* * *

– Сиз менга уйланмоқчимисиз?

– Шундай, азизим.

– Мен билан танишганингизга энди уч кун бўлди-ку?

– Шунинг ўзи кифоя. Чунки мен икки йилдан бери отангиз пул қўядиган банкда ишлайман.

* * *

– Менга қара, яна ичадиган бўлиб қолибсанми? Сен ҳушёрлар жамиятига аъзо эдинг-ку...

– Энди аъзо эмасман.

– Нега?

– Аъзолик бадалини тўлашга пулим етмаяпти.

* * *

Лиқ тўла трамвайда бир йигит бир одамнинг оёғини босиб тураверипти. Ҳалиги одам оёғини тортиб олиш ўрнига йигитдан сўрапти:

– Неча ёшга кирдингиз, йигитча?

Йигит ҳайрон бўлиб дебди:

– Йигирма ёшга кирдим.

– Менимча, йигирмага кирган одам ўз оёғида туролса керак?

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 15163 Буюртма Г— 314 123456